# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1989 йил

13 ЯНВАРЬ
№ 3 (3003)
ЖУМА


## КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида
# ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 10 январь куни КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни кўриб чиқди:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси тўғрисида.

3. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ана шу масалалар юзасидан доклад қилди.

Пленумда КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, «Советский Союз» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Н. М. Грибачев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов нутқ сўзладилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатди. Улар рўйхатга олиш учун КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномасини қабул қилди, мазкур Мурожаатнома матбуотда эълон қилинади.

Пленум «КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. ушбу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини якунлади.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори*

***1989 йил 10 январь***

## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1989 йил 15—16 март кунлари Москва шаҳрида чақирилсин.

2. СССР халқ депутатларини сайлаш пайтида овоз бериш КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, КПСС Марказий органлари составига кирмаган иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ва Министрлар Советларининг Раислари, министрлар ҳамда марказий идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, ҳарбий округларнинг қўмондонлари иштирокида ўтказилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига Марказий Комитет Пленумида овоз берувчиларнинг рўйхатини КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига Қонунда белгиланган тартибда тақдим этиш топширилсин.

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари
# М. С. ГОРБАЧЕВнинг
## КПСС Марказий Комитети Пленумида 1989 йил 10 январда қилган доклади

Ўртоқлар!

Бугун биз партиямиз тарихида ўхшаши бўлмаган Пленум ўтказяпмиз. Пленумнинг кун тартиби мамлакатда кенг авж олиб кетган қайта қуриш жараёнларидан, совет жамиятини демократиялашдан, биз амалга оширишга яқиндан киришган сиёсий система ислоҳотидан бевосита келиб чиқади.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичи давомида давлат ҳокимиятининг олий органларини қайта қуриш кўзда тутилади, шу босқичнинг мақсадларига мувофиқ мамлакатда СССР халқ депутатлари сайловига бағишланган сайлов кампанияси бошланиб кетди. Биз партиянинг сайловга аталган сиёсий платформасини таърифлаб беришимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига мурожаатномаси лойиҳаси сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилган.

Янги сайлов Қонунига биноан Пленумимиз партиядан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиши ва уларни рўйхатга олиш учун КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясига тақдим этиши лозим. Буларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалар эканини кўриб турибсизлар. Бу масалалар мамлакатни идора қилувчи партия бўлмиш КПСС учунгина эмас, шу билан бирга жамият сиёсий системасининг ҳамма бўғинлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

### I.

Бу Пленумда ҳозирги сайлов кампаниясининг хусусиятларини батафсил далиллашга эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз. Бундай далиллар қайта қуриш йўлларида мамлакат бошидан кечираётган Совет давлати тарихидаги масъулиятли, бурилиш босқичидан бевосита келиб чиқади. Айни қайта қуриш жамиятдаги ҳозирги муҳитни — тобора кўпроқ демократиялаш, ошкоралик, меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини кучайтириш муҳитини вужудга келтирди. Бу — биринчиси.

Иккинчиси, қайта қуришнинг ўзи ривожланишнинг янги палласига ўтди. Аввалги босқичларда қайта қуриш назарияси ва сиёсати таърифлаб берилган, жуда муҳим қарорлар қабул қилинган эди. Энди олдимизда қайта қуриш йўлини амалда рўёбга чиқариш вазифалари рўй-рост кўндаланг бўлиб қолди. Бу — ўтган йилдаги ишимизнинг хусусияти бўлиб, у ҳозирги 1989 йил учун янада кўпроқ даражада хос бўлади. Хуллас, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи партияни ва Советларни, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларини, бутун жамиятимизни масъулиятнинг янги поғонасига олиб чиқмоқда, эндиликда бунёдкорлик фаолиятининг реал самаралари баҳо беришнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтнинг асосий ғояси мана шундан иборат, деса бўлади.

Айтилган бу гаплар, ўтган йилларда биз амалий ишлар билан шуғулланмадик, деган маънони асло билдирмайди, албатта. Худди шунингдек, келгусида бизнинг назарий ишланмаларга, энг мақбул сиёсий қарорларни, ишнинг янги форма ва методларини излашга бўлган қизиқишимиз сўниб боради, деган хулоса ҳам ўринсиздир. Йўқ, бундай эмас, албатта. Ҳозирги пайтнинг бениҳоя зарурлигини таъкидлашни — оғирлик марказини ишлаб чиқилган сиёсат ва қабул этилган қарорларни рўёбга чиқариш соҳасидаги амалий ишга қатъиян кўчириш лозимлигини айтиб ўтишни истайман, холос.

Ўртоқлар! Ҳозирги босқичда жамиятнинг сиёсий авангарди бўлмиш партиянинг роли ўсиб ва кучайиб бориши лозим, деган гапимизни қандайдир мавҳум даъват деб қабул этмаслик керак. Буни гапираётганимнинг сабаби шуки, кўпинча, у ёки бу назарий қоидани ҳамма ўйламай-нетмай такрорлайверади, аммо ундан сиёсат, конкрет турмуш учун қандай хулоса келиб чиқиши ҳақида унчалик ўйлаб кўрилмайди.

Қайта қуриш шароитида КПССнинг жамият сиёсий авангарди тарзидаги роли ҳақида озмунча сўз айтилмади. Бироқ амалда бунинг маъноси нималигини ҳамма ҳам охиригача англаб етгани йўқ. Шу сабабли биз давом этаётган жараёнларни идрок қилишда орқада қоляпмиз. Биз қайта қуриш муаммоларининг тўғри ечимларини ҳамиша ҳам топаётганимиз йўқ. Натижада онгда кўпинча саросималик вужудга келиб, амалий ишларда нуқсонларга сабаб бўлмоқда.

Кескин революцион бурилишларда партиянинг жамиятни ташкил этувчи, бирлаштирувчи куч тарзидаги роли айниқса катта бўлиши, маълум. Ўзининг уюшқоқлиги, жипслашганлиги билан, назарий тафаккури равшанлиги ва амалий ҳаракатлари аниқлиги билан кучли бўлган партиянинг роли эса айниқса буюкдир.

Биз ҳозирги сайлов кампанияси каби катта сиёсий воқеа арафасида турган бир пайтда бу ҳақда гапириш ўринлидир. Чунки гап депутатлар корпусини янги принциплар асосида тузиш ҳақида бормоқда. Қайта қуриш вазифаларини амалда рўёбга чиқаришнинг ҳамма энг муҳим масалаларини ҳал этиши лозим бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви янги органларини тузиш депутатлар корпусининг зиммасига тушади.

Бу масаланинг ҳаммаси халқ манфаатлари билан, мамлакат ва социализм тақдири билан ғоят чамбарчас боғланган. Гап мана шулар ҳақида бормоқда, ўртоқлар. Биз партиянинг мазкур сайлов кампаниясидаги вазифалари ҳақида ўйлар эканмиз, ишга мана шундай юксак ва талабчан позициялардан туриб ёндашмоғимиз керак. Айни ўзимизнинг юксак масъулиятимизни тушунганимиз туфайли СССР халқ депутатлари сайлови муносабати билан КПСС Марказий Комитети номидан коммунистларга, мамлакатнинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиш зарур, деган хулосага келдик.

КПСС Марказий Комитети КПСС мамлакатни идора қилувчи партия бўлганлиги ва шу сабабли социализмнинг тақдири, мамлакатнинг тақдири учун совет жамияти олдида тўла-тўкис масъул эканлигига асосланиб, совет халқига мурожаат қилмоқда. Партия яқин келажакда ўртага қўяётган мақсадлар ва вазифаларни, у сайловга қандай режалар билан бораётганини совет кишилари билишга ҳақлидирлар.

Биз Марказий Комитетнинг Пленумида биринчи марта партияга, совет халқига мурожаатнома қабул этяпмиз. Бу — бўлғуси сайловнинг мамлакат тақдири учун аҳамияти зўрлигидангина ва боя гапириб ўтганимдек, ҳозирги сиёсий пайтнинг алоҳида муҳимлигидангина келиб чиққани йўқ. Бу ҳозирги босқичда партиянинг янги ролини тушуниб етишдан, унинг жамият сиёсий авангарди сифатида бажарадиган вазифаларининг аҳамияти ортишидан келиб чиқади.

Ҳозирги вазиятда биз бошқа жамоат ташкилотлари сайловга ўзларининг сайловолди ҳужжатлари билан боришларига асосланишимиз керак. Депутатликка айрим номзодлар ҳам мамлакат олдида турган вазифаларни ўзлари қандай тасаввур этаётганликларини баён қилиб, сўзга чиқишлари мумкин.

Юз бераётган вазиятда КПССнинг умумхалқ манфаатларини ифодалайдиган, жамиятнинг турли қатламлари фикр-мулоҳазаларининг барча хилма-хиллигини ҳамда талаб-эҳтиёжларини бирлаштира оладиган, уларга қайта қуришнинг ҳозирги босқичи конкрет вазифалари ўзанида собитқадам тус бера оладиган сиёсий платформасига зарурат ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқда. Халқимиз — ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар — мана шу тарихий дақиқада партиядан унинг сўзларини кутмоқдалар. Биз ижтимоий турмуш диалектикасини яхши англаб етишимиз, КПСС Марказий Комитетининг сайловолди мурожаатномасининг аҳамиятини тўғри баҳолашимиз лозим.

Жамиятга ўз сайловолди сиёсий платформамизни баён қилиб берар эканмиз, бу ишни бевосита ва ҳалол қилмоқдамиз, жамиятнинг ҳамма томонидан тан олинган авангарди сифатида иш тутмоқдамиз. Партия олдинги йилларда йўл қўйилган жиддий хатолар, нуқсонлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, катта матонат кўрсатди. Шу билан бирга партия ленинча принципларга таяниб, халқ манфаатларидан келиб чиқиб, социализмни янгилашнинг новаторона программасини, биз «қайта қуриш» деб атаган программани таклиф қилди.

Халқ партиянинг бу сиёсий мардлигига тегишлича баҳо берди, деб айтсак муболаға қилмаган бўламиз, деб ўйлайман. Айни қайта қуриш давомида жамиятда партиянинг йўлига ишонч ва уни қўллаб-қувватлаш ортиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Лекин, табиийки, ишонч кредити абадул-абадга бериб қўйилмайди. Партия ҳар сафар, социалистик қурилишнинг ҳар бир босқичида бу ишончни ўзининг амалий ва назарий фаолияти билан исботлаши лозим. Ҳозир масала айни шундай тарзда қўйилмоқда.

Халқнинг партияга ишончини мустаҳкамлаш учун фақат битта йўл бор деб ўйлайман, бу — қайта қуриш жараёнларини авж олдириш ва чуқурлаштириш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш йўлидир. Марказий Комитетнинг халққа сайловолди мурожаатномасининг асосий мазмуни, асосий сабаби мана шундадир.

Партия қайта қуриш жараёнларининг бутун манзарасини кўра билиши, бу жараённинг кучли ва ожиз томонларини идрок этиши, ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган у ёки бу ўзгартишларни ўз вақтида киритиши, шу йўл билан жамият барча соғлом кучларининг қайта қуриш платформасида жипслашишига эришиши, бунинг учун сиёсий, мафкуравий ва ташкилий таъсир ўтказиш воситаларининг улкан арсеналидан фойдаланиши лозим.

Тўпланган тажрибанинг кўрсатишича, бу соҳада бизнинг янгиланиш жараёнларига тўсқинлик қилаётган консерватизм кўринишларига, ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор формаларини ишлаб чиқаришга ҳамда ҳаётнинг бошқа соҳаларига жорий этишни сунъий равишда кечиктириш билан тўқнаш келишимизга тўғри келмоқда.

Яна бир хавф бор. Баъзи ўртоқларнинг сўлларга хос ошириб юборишлар, босқичлардан сакраб ўтишга интилиш, реал имкониятларни ҳисобга олмай мақсадлар ва вазифаларни ўртага қўйишдан қутулишлари жуда қийин бўлаётганлигини кўриб турибмиз.

Баъзан у ёки бу қийинчиликларни, одамларнинг экономикада, социал соҳада ишларнинг тезроқ ўнглаб олинишига эришишга табиий истагини пеш қилишга дуч келмоқдамиз. Ҳатто ана шуларни пеш қилиб, ўзлари учун обрў орттиришга уринаётган одамлар ҳам пайдо бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммасини фақат кўрибгина қолмай, шу билан бирга жиддий сиёсий таҳлил этиш, зарур баҳо бериш, қийинчиликларни тушунтириш ва уларни бартараф этиш, бошланган қайта қуриш йўлидан қадам-бақадам қатъий олға бориш муҳимдир.

Эътибор берган бўлсангиз керак, мурожаатноманинг лойиҳасида эришилган натижаларга, қайта қуриш мураккабликларига реалистик позициядан туриб баҳо берилади ҳамда мамлакатнинг янги олий ҳокимият органлари ваколати даври учун ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар баён қилиб берилади. Тақдим этилган мурожаатнома лойиҳаси умуман шундай ҳужжатки, у биз учун керак ва уни совет халқига етказишимиз мумкин.

Марказий Комитетнинг Пленумида биз қайта қуришнинг ҳозирги босқичи вазифаларига мос келадиган ҳужжатни қабул қилишимиз учун, ўртоқлар, сизларни тақдим этилган лойиҳани эътибор билан кўриб чиқиш ва муҳокама қилишга таклиф этаман.

Шу билан бирга равшанки, муҳим сиёсий ҳужжат бўлган мурожаатнома барча партия ташкилотлари унинг мазмунини қанчалик батафсил тушунтириб берсалар ва пропаганда қилсалар, ундаги асосий ғояларга таянсалар, мурожаатнома шу қадар катта роль ўйнайди. Шу боисдан мурожаатномани ташкилий ва идеология тадбирлари билан мустаҳкамлаш зарур.

Коммунистик партия учун унинг сайловолди программасини бутун халқ, барча меҳнаткашлар қўллаб-қувватлаши муҳимгина эмас, СССР халқ депутатлигига номзодларни кўрсатиш чоғида партия барча жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари билан баҳамжиҳат фаол ҳаракат қилишдан, аввалгидек партиясиз омма билан ягона иттифоқ бўлиб иш тутишдан ғоят манфаатдордир.

Ҳозир, сайлов кампанияси депутатликка номзодлар кўрсатиш босқичига қадам қўйган пайтда халқ ташаббуси, ижтимоий фаоллик тўлқини ҳамма жойда ҳам коммунистлар, ҳам партиясизлар орасидан энг аввало қайта қуришнинг фаол курашчиларини бўлажак халқ вакиллари қаторига қўймоқда, деб мамнуният билан қайд эта оламиз. Бу жуда муҳимдир. Уларнинг орасида коммунистлар ва партиясизлар, ишчилар синфининг, деҳқонларнинг, зиёлиларнинг, ветеранларнинг, ёшларнинг, хотин-қизларнинг вакиллари бор. Бу эса энг муносиб кишиларни танлаб олиш учун имконият яратади.

Ҳозирги сайлов кампаниясининг кенг ошкоралик, халқпарварлик, одамларнинг ташаббускорлиги каби хусусиятларини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ғоят муҳим сиёсий кампания қайта қуриш жараёнлари ўзанида боришидан бутун жамият манфаатдордир. Аммо ошкоралик, рўй-ростлик, гражданлар ташаббускорлиги ўсганлигини қайд этиш билан бирга биз сайловолди кампаниясига ўз-ўзидан юз берадиган қандайдир жараён деб эмас, балки энг муҳим оммавий кампания деб, бу кампаниянинг муваффақияти юксак уюшқоқлик ва масъулият билангина таъминланиши мумкин, деб ёндашмоғимиз лозим.

Ҳозирги сайлов кампаниясига хос бўлган шароитда биз учун мутлақо янги ҳодисаларга дуч келишимиз мумкин, бу ҳодисалар фақат ижобий тусдагина эмас. Ўз депутатларининг давлат ҳокимияти янги олий органлари ишига муносиб ҳисса қўшишига қодир бўлган қайта қуришнинг чинакам фаол, қизғин тарафдорлари бўлишини истаётган сайловчиларнинг манфаатдорлиги билан бир қаторда бир қанча салбий жиҳатларга ҳам дуч келишимиз мумкин. Бу хусусда фактлар ҳам мавжуд. Гап гуруҳларнинг шахсиятпарастлиги, жиззакилиги, сиёсий мансабпарастлик кўринишлари ҳақида бормоқда. Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан фойдаланиб қолишни ҳам истисно қилиб бўлмайди.

Мана шу масалаларнинг ҳаммаси юзасидан партия ташкилотлари аниқ, принципиал позицияда туришлари лозим. Чинакам илғор кишиларни қўллаб-қувватлаш, номзодларга холисона баҳо бериш учун шароитни таъминлаш зарур. Сайлов кампанияси натижасида совет ҳокимиятининг олий органларида жамиятимиз барча қатламларининг, барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари бўлишига эришиш керак, албатта. Бу принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Партия янги сайлов Қонунининг демократик мазмунидан келиб чиқиб, ана шундай ҳалол позицияда туриб, сайлов кампаниясида иштирок этади.

Хуллас ҳозирги сайлов кўпгина янги, қизиқарли масалаларни, мислсиз талаблар ва вазифаларни ўртага қўяди. Уларни амалга ошириш учун келажакда қачонлардир эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий идеология ишларини олиб бориш зарур. Бу ишни ҳамма жойда, кенг жабҳа бўйлаб авж олдириш керак. Матбуот, радио ва телевидение сайлов кампаниясига фаол қўшилиб, унинг барча жиҳатларини ва жараёнларини ўз вақтида ёритиши, сайловнинг сиёсий ислоҳотимиз мақсадларидан келиб чиқадиган принциплари асосида муваффақиятли ўтишига кўмаклашиши лозим.

Ҳозирги сиёсий даврнинг баъзи муҳим хусусиятлари ана шундай.

### II.

Ўртоқлар! Пленумда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш масаласини муҳокама қилишга тўғри келади.

Маълумки, КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси ўтган йилнинг 9 декабрида матбуот орқали партия ташкилотларига, КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатларга мурожаат қилиб, партиядан депутатликка номзодлар хусусида таклифлар киритишни сўраган эди.

Комиссия бу таклифларни КПСС Марказий Комитетига тақдим этиш тартибини белгилаб берди. Жойларда ишлаётган коммунистларга оид таклифларни бошланғич партия ташкилотларида, сўнгра — юқори партия органларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида ҳам кўриб чиқишга қарор қилинди.

Комиссия таниқли сиёсат, давлат ва жамоат арбоблари, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, фан ва маданиятнинг бошқа республикалар, ўлкалар ва областлар территорияларида ишлаётган ёки яшаётган атоқли вакиллари номзодларига доир таклифлар бевосита КПСС Марказий Комитетига юборилиши мумкинлигини ҳам белгилаб берди.

Шундай қилиб, таклифларнинг икки оқими вужудга келди, улар ҳар бир коммунистга депутатликка номзодлар кўрсатишда иштирок этиш имкониятини берди. Бу эса номзодларни танлаб олиш учун қулай шароит яратди ва ўзини оқлади.

Қуйидаги маълумотлар бўлиб ўтган муҳокамаларнинг демократик тусидан далолат беради. Жойларда ишлаётган коммунистлар орасидан депутатликка номзодлар кўрсатишда 105 мингтадан кўпроқ бошланғич партия ташкилоти қатнашди. Улар юқори органларнинг кўриб чиқиши учун 31,5 минг номзодни таклиф этдилар. Кейинчалик шаҳар, район партия комитетлари кўриб чиқиш чоғида улар уч ярим минг номзодни қўллаб-қувватладилар. Шундан кейин номзодлар область, ўлка партия комитетларида, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида муҳокама қилинди. Бу ерда турли формалардан — партия комитетлари пленумлари, партия активлари йиғилишлари, бюронинг кенгайтирилган мажлислари формаларидан фойдаланилди. Пировард натижада партия комитетлари КПСС Марказий Комитетига 207 номзодни тақдим этдилар. Бу ўртоқларнинг рўйхати қўлингизда бор.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти бош сиёсий бошқармасида батафсил муҳокама қилингандан сўнг ҳарбий қисмлар ва сиёсий органларнинг партия ташкилотларидан КПСС Марказий Комитетига 5 номзод тақдим этилди. Бу ўртоқлар ҳам қўлингиздаги рўйхатга киритилган.

Энди КПСС Марказий Комитетига бевосита партия ташкилотларидан, меҳнат коллективларидан ва айрим шахслардан тушган таклифлар тўғрисида. Бунда ҳаммаси бўлиб, салкам 12 мингта телеграмма, хат, йиғилиш қарорларидан кўчирма олинди. Бу таклифларнинг кўп қисми Сиёсий бюро аъзоларига, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар ва КПСС Марказий Комитетининг секретарларига тааллуқлидир. Шу йўл билан жами 382 номзод таклиф қилинди. Уларнинг тахминан ярми партия ташкилотларида кўриб чиқилган

**Давоми иккинчи бетда**

# МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ҚОНИҚАРЛИМИ?

ОЛИЙ ВА ўрта таълимни қайта қуриш масалалари, айниқса, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш савиясини кўтариш кейинги йилларда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу санъат учун кадрлар тайёрловчи ўқув юртларига ҳам тегишлидир. Республика Халқ контроли комитети шуни назарда тутиб, яқинда А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти фаолиятини кўздан кечириб чиқди. Театрлар ва тасвирий-амалий санъатнинг бошқа кўпгина тармоқлари учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда бу институт алоҳида ўрин тутади. Институтда деярли 20 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади, студентлар сони 800 дан ортиқ. Бу олий ўқув юртини тугатган кўпгина талабалар театрлар, музейлар, бадиий комбинатлар ва санъатнинг бошқа муассасаларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Ҳозирги кунда барча олий ўқув юртларида бўлаётган қайта қуриш бутун ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини кўтариш каби жиддий вазифаларни илгари сурди. Биз текшириш мобайнида, энг аввало, ишнинг ана шу жиҳати билан қизиқдик.

Мутахассис тайёрлаш ўқувчини студентликка қабул қилишдан бошланади. Айни шу масалада институтда жиддий камчиликлар ва мавжуд қоидаларни бузиш ҳоллари учрайди. Институтнинг 1988 йилги қабул планига бир неча бор ўзгартиш киритилган. Бир факультетдан иккинчи факультетга ўтказиш масалаларида конкурс бўйича танлаш қоидаси бузилган. Кириш имтиҳонларида ёзилган рус ва ўзбек тилларидаги ёзма ишларни текшириш шуни кўрсатдики, имтиҳон комиссияси составига жалб этилган ўқитувчиларнинг савияси талаб даражасида эмас. Ўқитувчилар баъзи баён ва диктантларда тўғри ёзилган сўз ҳамда гапларни тузатганлар, айни вақтда, улар томонидан текширилган 120 та ёзма ишдан 46 тасидаги хатолар беэътибор қолдирилганки, бу ҳол абитуриентлар баҳосининг ошишини таъминлаган.

Мавжуд қоидаларга хилоф равишда апелляцион комиссия томонидан 31 абитуриентга қайта имтиҳон топширишга рухсат берилган. Олий ўқув юртига қабул қилиш қоидаси қўпол равишда бузилиб, абитуриент А. Камолова қониқарсиз баҳо билан ўқишга қабул қилинган. Иш стажи бўлмаган тўртта студент, иш жойидан тавсияномаси бўлмаса ҳам, тўлиқ ой маълумотли битта студент сиртқи бўлимга қабул қилинган. Барча имтиҳон варақаларида масъул секретарнинг имзоси, олий ўқув юрти тамғаси, умумий баҳолар йўқ, ҳамма имтиҳонлар баҳосида фақат битта ўқитувчининг имзоси бор, варақалардаги баҳоларнинг баъзилари ўзгартирилган. Кўпгина имтиҳон варақаларида имтиҳон олувчиларнинг фамилияси кўрсатилмаган, имтиҳон ҳужжатларида ўқитувчиларнинг имзоси бўлгани ҳолда абитуриентлар фамилияси қаршисига баҳо қўйилмаган ҳоллар кўзга ташланади. Студентларнинг шахсий ҳужжатларини тўлдиришда ҳам камчиликларга йўл қўйилган, 38 та студентнинг шахсий ҳужжати умуман йўқ! Буни ҳеч бир нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Ўқув-ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, назарий таълимни йўлга қўйиш, зарур моддий-техник базани яратишдаги жиддий нуқсонлар очиб ташланди.

Педагогик иш соатини тақсимлашни текшириш шуни кўрсатдики, барча кафедралар бўйича ўқув иш соатларини тузиш, ҳисобга олиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш ишлари қоидага номувофиқ асосда олиб борилади. Ўқитувчиларнинг индивидуал планларида кўплаб тузатишлар кўзга ташланади, якуний хулосалар, ўқитувчиларнинг, кафедра мудирларининг, деканларининг имзолари йўқ, баъзи ўқитувчилар учун индивидуал планлар умуман тузилмаган. 1987-88 ўқув йилида баъзи ўқитувчиларга ниҳоятда ортиқча дарс соатларини планлаштириш ҳоллари учрайди. Баъзан ўқув йили давомида педагогларнинг иш соати ўзгарган, аммо бу ҳақда буйруқлар йўқ. Айрим кафедраларда ойлик иш соатини бажариш назорат қилинмайди.

Машғулотларнинг умуман ўтказилмаслиги ҳоллари кўзга ташланади. Театршунослик кафедрасида ўтган ўқув йилининг уч ойи давомида 53 та машғулот ўтилмаган. Қўғирчоқ актёрлиги, якка ижрочилик, театршунослик, музика ва бошқа кафедраларда педагоглар иш плани тузилмаган. Айниқса, якка ижрочилик кафедрасида 1988 йилнинг февраль-май ойларидаги кафедра йиғилишлари қарорлари ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун керакли бошқа ҳужжатлар йўқ.

Ҳеч бир юридик асоссиз институт ректорати ва декантлари илгари ўқишдан четлаштирилган студентларни қайта тиклаганлар, Жумладан, студент А. Жўраевнинг шахсий делосида фақат қайта тиклашни сўраб ёзилган ариза бор. Асадов ва Сотволдиевни студентлар сафига қайта тиклаш учун нафақат асос, ҳатто уларнинг аризалари ҳам йўқ. 1987-88 ўқув йилида ҳеч бир асоссиз ва тегишли ҳужжатлар тўлдирилмасдан 20 та студент ўқишга қайта тикланган, шу давр ичида эса турли сабабларга кўра 14 та студент, жумладан, III-IV курслардан 10 та студент ўқишдан ҳайдалган.

Сиртқи бўлим фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Сиртқи бўлим студентларининг контроль ишлари мавжуд талабларга жавоб бермайди, ҳеч бўлмаганда, ҳажми ниҳоятда кам, уларда ўқитувчиларнинг ёзма тақризи йўқ. Кўпгина контроль ишларида план, фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилмаган. Сиртқи бўлим студентларининг курс ишлари графикка риоя қилмай топширилган, уларни шу курсни ўқиган ўқитувчи баҳолаган, бошқа педагогларнинг тақризи йўқ.

Студентларнинг ўқув дарсликлари ва қўлланмалари билан таъминланишлари баъзи махсус дарслар бўйича талабнинг атиги 30 фоизини қондиради. Республика матбуотида бир неча марта ёзилганлигига қарамай, ҳали-ҳануз ўзбек тилидаги дарсликлар деярли йўқ.

Методик адабиётларда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Ўқитишнинг техник воситалари фондидан тўлиқ фойдаланилмайди, бу фонднинг умумий миқдори 1,3 минг сўмни ташкил этувчи бир қисмидан эса умуман фойдаланилмайди. Чет тиллар бўйича лингафон кабинети қисман жиҳозланган, холос.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИМИЗНИНГ олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ва ўқитувчилар малакасини ошириш ишларида қайта қуриш ҳақидаги талаби институтда кўнгилдагидек амалга оширилмаётир. Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари асосан айрим ўқитувчиларнинг докторлик, кандидатлик диссертациялари, ўқув қўлланмалари ва матбуотда эълон қилинаётган илмий мақолалари билан белгиланади. Бинобарин, планлаштирилган диссертация ва монографияларнинг бир қисми Ўзбекистоннинг театр-бадиий санъати муаммоларига, ундаги қайта қуриш ва ривожланиш масалаларига алоқадор эмас.

Педагогларнинг малакасини оширишга ҳам суст эътибор берилмоқда, Бу масала бўйича план тузилмаган, тегишли семинарлар ўтказилмайди, туркум лекциялар ўқиш ташкил этилмаган. Айни вақтда беш йилгача иш стажига эга бўлган ўқитувчиларнинг 40 фоизга яқини республикамиз ва мамлакатимизда театр санъатини қайта қуриш билан боғлиқ билимларга муҳтож. Аввало, уларнинг ўзини қайта қуриш керак.

Студентлардан 270 киши ётоқхона билан таъминланмаган. Ётоқхона биноси ва ўқув хоналари, институтнинг ички территорияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ётоқхоналарда кир ювиш ва қуритиш, қизлар гигиенаси учун алоҳида хоналар йўқ. Натижада студентлар кийимларини хонанинг ўзида ювиб, қуритадилар. Санитар-техник анжомларнинг бир қисми яроқсиз ҳолда ётибди. Ётоқхонада юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар етишмайди. Буфетдаги таомлар бир хил ва қиммат нархда сотилади, студентларга ошхона ўрнига «Мовий гумбазлар» кафеси хизмат қилади. Ётоқхонадан ташқари, институтнинг бутун комплекси 1988 йил декабрь бошигача иситиш системасининг ишламаслиги сабабли иситилмади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг тегишли бўлимлари ва институт ректорати «СССР Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугаллаган ёш мутахассисларни тақсимлаш ҳақидаги Низом»ни қўпол равишда бузганлар. Битирувчиларнинг тайинланган жойга белгиланган муддатда ишга бормаганлигининг сабабини аниқлаш, уларни ишга тўғри жойлаштириш, ёш кадрларга меҳнат ва турмуш шароитини яратиш каби масалалар устидан зарур назорат ўрнатилмаган, ҳамда керакли чоралар қўлланмаган. Министрлик ва институт ректорати муқобил ва йиллик план-буюртмалар тузишда жойлардаги аҳволни етарли ўрганмайдилар. Натижада буюртмалар юзакилик касб этиб, областларни кадрлар билан таъминлаш иши тўғри йўлга қўйилмайди.

Бу муҳим масалага ножиддий муносабат шунга олиб келдики, 1984-88 йилларда ёш мутахассисларни тақсимлашнинг муқобил плани ишлаб чиқилмаган. Ёш мутахассисларни тақсимлаш планини текшириш шуни кўрсатадики 1986 йили кундузги бўлимни тугатган 15 киши тақсимотдан четдан қолган, 1987 йили эса 19 киши шу аҳволга тушган. Хусусан, театршунослик мутахассислиги бўйича битирган 17 кишидан 16 таси тақсимот қилинмаган.

Битирувчиларнинг иш жойига ўз вақтида келиши, тўғри жойлашиши ва иш билан таъминланиши кадрлар бўлими ходимлари ихтиёрига топширилган. Улар эса тез-тез алмашиниб туришлари ва малакалари пастлиги сабабли бу соҳани ҳамиша назорат қилишга қодир эмаслар. Жумладан, институт кадрлар бўлими текширилганда, 1986 йили тақсимотдан ўтган 11 мутахассис, 1987 йилги 24 мутахассис, 1988 йилги 141 мутахассисдан фақат 26 тасигина белгиланган иш жойига борганлар. Институтнинг хўжалик ишлари бўйича собиқ проректори А. Файзуллаев ва бош бухгалтери Р. Доброгорскаянинг айби билан штат-молиявий интизоми бузилган. Институт бўйича штатлар рўйхати сон ва иш кўлами ҳисобга олинмасдан тузилади. Молиявий аҳволга хилоф равишда стипендияга ажратилган пул ортиқча ишлатилган, командировка учун пуллар иш ҳақидан ноқонуний тўланган. 1985-87 йилларда ишдан бўшатилган моддий жавобгар шахслар 2,7 минг сўм қарздор бўлиб қолганлар, аммо уларни қоплаш юзасидан шу кунгача ҳеч қандай чора кўрилмаган.

Ўқув ишлари бўйича проректор П. Менажиевнинг айби билан меҳнат қонунига хилоф равишда институт хизматчиларини меҳнат отпускасидан оммавий чақириб олиш ҳоллари юз берган. Шунинг натижасида 1987 йил 54 ходимга икки ҳисса ҳақ тўланган, 1988 йили эса бу сон 62 тага етган.

Кадрлар билан ишлаш масаласи ҳам қониқарли олиб борилмаётир. Ҳаммаси бўлиб институтда 20 та кафедра бор, шундан 6 та кафедрани катта ва оддий ўқитувчилар бошқаради, фақат иккита кафедрада профессорлар бошчилик қиладилар. Бошқа кафедраларни илмий даражаси бўлмаган доцентлар бошқармоқдалар. Баъзи кафедраларнинг бошлиқлари эса вақтинчалик вазифа бажарувчи кишилардир. Штатдаги 103та ўқитувчидан 13таси белгиланган муддатда конкурс бўйича қайта сайланишдан ўтмаганлар, 19та ўқитувчи эса белгиланган муддатга амал қилмай конкурсдан ўтган.

Бундай жиддий нуқсонларнинг юзага келишига сабаб шуки, институт ректори Т. Турсунов, ўқув ишлари бўйича проректор П. Менажиев, илмий ишлар бўйича проректор В. Иванов абитуриентларни қабул қилиш ишини, ўқув жараёнини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишни изчил бошқариб боришни йўлга қўймаганлар.

ИНСТИТУТ ФАОЛИЯТИНИ текшириш натижалари яқинда Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети мажлисида муҳокама этилиб, бир неча раҳбар ходимлар жазоланди. Текшириш натижалари бўйича институт раҳбарияти, партия ва касаба союз ташкилоти аниқ тадбирлар белгилади, ҳозир бу тадбирларнинг бир қисми амалга оширилмоқда.

Институт ректорати ва илмий кенгаши яна илмий-тадқиқот ишларининг муҳимлигини таъминлаш, ўқитувчи ва студентларнинг бошқа ижодий фаолиятлари савиясини кўтариш масалаларини ҳам кўриб чиқишлари зарур.

Бир сўз билан айтганда, институт профессор-ўқитувчилар коллективи ректорат ва партия ташкилоти раҳбарлигида мавжуд камчиликларни тугатишга бор кучларини сафарбар этишлари, мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга эришишлари лозим.

**Т. ХОНХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети бўлим мудири**

# ВАФО



СУРАТДА: С. Маматов шогирдлари даврасида.

М. АБДУРАҲМОНОВ фотоси

ОДАТДА ҚЎШИҚ қалбларни ҳаяжонга солади, завқ ва қувонч бағишлайди. Солижон Маматов куйлаган қўшиқлар бундай туйғулар билан биргаликда кишига бир олам ҳайрат бағишлайди, кўзларда беихтиёр севинч ёши милтиллайди. Унинг ижросидаги классик шоирларимиз ғазаллари билан куйланаётган қўшиқлар гўё ўтмиш билан бугунги кун ўртасидаги ишончли кўприкка ўхшаб қолади. С. Маматов қўшиқларини нафақат ёши улуғ кишилар, балки мактаб ўқувчиларидан тортиб студентларгача, олимлардан тортиб оддий ишчиларгача, ҳамма-ҳамма севиб тинглайди.

Хонанда куйлаганда Навоий, Бобур, Фузулий, Нодира, Машраб ғазаллари яна ҳам жозиба ва латофат касб этади. С. Маматовнинг қўшиқ сўзлари устида жиддий ишлаши ҳақида алоҳида айтиб ўтиш лозим. Унинг қўшиғидаги ҳар бир сўз равон, аниқ жаранглайди.

Солижон Маматов — муҳаббат куйчиси. Тўғри, ишқ-муҳаббатни барча хонандалар ҳам куйлашади. Муҳаббат таърифининг минг бир қирраси бор. Лекин бу хонанда қўшиқларида маҳбубага эҳтиром ва вафо ғоят чиройли нолалар, қочиримлар орқали ўз ифодасини топади.

Қўшиқларга турли қиёслар, ўхшатишлар топадилар. Ахир, қўшиқ сингари мўъжиза атрофдаги муҳитдан айри туғилиши мумкинми? Йўқ, албатта! Солижон ака қўшиқлари бир-бирига туташиб кетган Шоҳимардон тоғи чўққилари узра яққол акс-садо берганда бутун олам қўшиқ билан тўлиб кетгандек бўлади, у оппоқ булутларга урилиб бутун осмонга она замин гўзаллиги ҳақида мадҳия ўқиётганга ўхшайди. Бу қўшиқлардан гоҳо шарқираб оқаётган тоғ шалоласи мавжлари, оҳиста кўз очаётган зилол булоқлар шарпаси эшитилади.

Солижон Маматов фарғоналик хонанда. Ёшлик йиллариданоқ санъат усталари сабоғини олган. У отаси билан биргаликда кўпинча машҳур ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов даврасида бўлишарди. Ёш Солижон илк қўшиқларида шу санъаткорларга тақлид қилди. Узоқ йиллар давомидаги тинимсиз изланишлар, машқлар хонандага ўз йўли, ўз услубини яратиш имконини берди.

Бўлажак хонанда санъат сирларини Тошкент маданий-оқартув техникумида ўрганди. Кейинчалик Фарғона давлат педагогика институтида таълим олди. Бир неча йиллар Олтиариқ район маданият уйида бадиий раҳбар бўлиб ишлади. Ҳозир довруғи узоқ-узоқларга кетган «Зилола» ва «Наврўз» ансамблларини ташкил этишга бош-қош бўлди. Мана, кейинги 15 йил мобайнида Фарғона кооператив техникумида музикадан сабоқ бераяпти.

Бугун хонанда кўплаб қўшиқларнинг моҳир ижрочиси бўлиб танилди. Репертуаридаги қўшиқларнинг кўпчилигига санъаткор ўзи куй басталаган. Улар жумласига «Ўргилай», «Мубтало бўлсам керак», «Аҳбоби билан», «Шаҳлолигим», «Қошинг қароси», «Фарғона» қўшиқлари киради. С. Маматов ижросидаги «Гулузорим қани?», «Ҳур диёр», «Сир эмас», «Оҳким», «Эй сабо» «Шитоб айлаб», «Қаро кўзум» каби қўшиқларда хонанданинг ижро маҳорати намоён бўлди. Масалан, СССР халқ артисти Жўрабек Муродов Фарғонада бўлган концертларидан бирида С. Маматовнинг республика радиоси олтин фондидан ўрин олган «Ўргилай» қўшиғини юқори баҳолади: «Мана, ниҳоят сиз билан учрашиш насиб этди, санъатингизга қойил», деган эди у. Таниқли бастакор Абдуҳошим Исмоилов унинг овозига, ижро услубига алоҳида қизиқиш билан қарамоқда. Бастакор ва ижрочи мулоқоти туфайли унутилаётган меросимиз, санъат дурдоналари ёзиб олинса жуда яхши бўларди.

Солижон ака бугунги кунда ёш қўшиқчиларга устозлик қилмоқда. Республика радиосига қатор қўшиқлари ёзиб олинган Алижон Юсуфжонов, Қилич Тожиев ҳамда хонандалар Рўзимат Назаров, Обид Маматов, Мамашер Маматхолдоров кабилар ҳақли равишда уни устоз деб аташади. Хуллас, бугун хонанда авж пардаларда куйламоқда. Хонанда қўшиқларига республика радиоси ва телевидениеси кўпроқ эътибор бериши, улар нафақат областдаги санъат мухлисларининг, балки бутун халқимизнинг маънавий мулки бўлиб қолиши керак.

**Муҳаммаджон РАҲИМОВ,**
**фалсафа фанлари кандидати**

# ВИДЕОМАГНИТОФОН «КЎНГИЛ ОЧИШ»ГИНА ЭМАС

Видеомагнитофонларнинг пайдо бўлиши ташқи дунёни англаш, воқеликни тафаккур қилиш учун янги имкониятлар яратди. Шу боис унга қизиқиш ўсиб бормоқда. Хўш, видеокассеталарни қаерда кўриш ва муҳокама қилиш мумкин? Тўғри, Тошкент ва республикамиз бошқа шаҳарларида кооператив видеосалонлар очилди. Лекин улар ҳозирча ёшларнинг мулоқот клубига айландими? Афсуски йўқ! Биринчидан, бундай салонлар жуда кам. Иккинчидан, уларда бадиий фильмлар билан таниқли эстрада артистларининг концертлари томоша қилинаяпти, холос. Видеомагнитофонга эга клуб ва барлар ёшлар билан гавжум. Бундай клублар сон жиҳатидан ҳам ўсиб бораётган эҳтиёжни қондира олмайди. Видеомагнитофон томоша қиладиган хонадонлар ҳам кўпайиб боряпти. Кишилар ўзаро кассеталар алмашяптилар.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган видеофильмлар сони жуда кам. Музикали ёки илмий-оммабоп видеопрограммалар деярли йўқ. Яқин вақтларда эса ҳар оила ўз видеотекасига эга бўлиши кутилаяпти. Воронеж «Электроника» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари ҳажми 4—5 баробар кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳолда видеокассеталар топиш яна ҳам каттароқ муаммога айланиши турган гап. «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зуҳра» ёки «Ўтган кунлар» каби ўзбек кинематографияси олтин фондига айланган фильмларнинг, турли тантаналар, байрам кечаларининг видеоёзуви, адабий-музикали программалар ҳар кимнинг ўзида бўлгани яхши, албатта.

**куюнчак газетхонлардан хатлар**

Ҳозирча видеомагнитофони бор ҳаваскорлар ўзлари суратга олмоқдалар, мавжуд ленталар кўчирилаяпти. Бироқ Маданият министрлиги ёки республикамиз Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети раҳбарлари видео ёзув студиялари ёки шундай ижара пунктлари очиш ҳақида ўйлаб кўрмади. Тараққиёт бугунми, эртами шундай студия ва пунктлар очишга мажбур этади. Лекин ёшларга маънавий озуқа, яхши таълим-тарбия бериш борасида вақтни йўқотаётганимизни унутмайлик. Шунингдек, видеомагнитофон ўқиш, ўрганиш учун ҳам кенг имконият яратади. Тасаввур қилинг, етук мутахассис, олимларнинг лекциялари видеокассетага ёзилса энг чекка қишлоқларимизда улардан фойдаланиш мумкинку! Бундай видеокассеталар кечки, айниқса, сиртқи бўлим студентларига қандай ёрдам беришини кўз олдингизга келтиринг-а! Бизнингча, Ўзбекистон ССР Халқ таълими давлат комитети шундай ўқув программалари тузадиган, уларни ёзиб олиб тарқатадиган вақт етиб келди.

Ҳозир видеокамералар ҳам кўпайиб қолди. Оиладаги никоҳ тўйлари, юбилей маросимлари суратга олинмоқда. Демак, видеофильм яратиш имконияти мавжуд. Бу ҳолда, республика Маданият министрлиги яхши видеофильм учун конкурс уюштирса бўлмайдими? Аминмизки, тарихий-биографик мавзуда, маданий мерос ҳақида ёки турли долзарб муаммолар акс этган публицистик видеофильмлар юзага келиши мумкин. Ҳозирча эса, очиқчасига айтиш мумкинки, видеомагнитофон «кўнгил очиш» воситасига айланиб қолмоқда. Ўйлаймизки, манфаатдор идоралар техника мўъжизаси бўлган видеомагнитофон имкониятларидан тарбиявий восита сифатида унумли фойдаланадилар.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**

# ҚЎЛ УЧИДА...

ТОШКЕНТГА МЕҲМОН бўлиб келган чет эллик сайёҳлар «Москва» меҳмонхонасига жойлашгач, катта кўчанинг нариги юзида қад кўтариб турган ўтмиш асрларнинг «тирик гувоҳи»—Кўкалдош мадрасасига ошиқишади. Аммо уларни дарвозадан кираверишда тўхтатишади. Гап шундаки, бундан 23 йил муқаддам бу ерга маданият ходимларининг малака ошириш институти талабалари жойлаштирилган. Шу боис қаровсиз ётган мадраса апил-тапил ремонт қилинади: неон чироқлари, иситиш трубалари ўрнатилди, ҳужралар тартиб билан номерланди. Қисқаси, «замонавийлаштирилди». Шундан бери ҳиммат қилган талабалар ҳужраларни ўз ҳолларича оқлашади, бўяб, гул солишади. Лекин бирор марта жиддий ремонтга қўл урилмайди.

Ҳозирги кунга келиб, тўртта ҳужранинг деворлари қулаб тушди. Одам яшаб бўлмайдиган ҳолга келди. Қолган ҳужралар ҳам «сўнгги кун»ни кутиб ётишибди. Қизиқ, шунча йил, шунча замонлардан бери турган деворлар нега ҳозирга келиб қулай бошлади?

— Мадраса ёнидан ўтган қувур ёрилган экан. Шу қувурдан чиққан сув деворларга сизиб чиқяпти. Деворларнинг қулаб тушиши шундан,— дейди куюниб «ётоқхона» қоровули.

Суриштирсак, «девор кушандаси» фақат қувурдан оқаётган сувгина эмас, балки обиданинг қоқ биқинида жойлашган иситиш узели ҳамда мадраса ичидаги иситиш қувурлари ҳам экан (булар ҳам тез-тез ёрилиб туради). Энди мулоҳаза қилайлик. Маданий ёдгорлигимиз бўлган Кўкалдош мадрасаси тузатилиш ўрнига, ҳар томонлама емирилаверса, тез орада мадрасадан нишон ҳам қолмайди-ку! Бу ер таъмирланиб, музейга айлантирилса бўлмайдими? Бўлади. Бунинг учун неча йилдан буён «жон куйдирилаяпти».

1975 йил 30 декабрда ЎзССР Министрлар Советининг қарори билан Тошкентда махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси ташкил қилинди. Бундан кўзда тутилган мақсад — тарихий обидаларни таъмирлаш, уй-музейлари ва маданият масканларини реконструкция қилиш, жиҳозлашни йўлга қўйишдан иборат эди.

Устахона ташкил этилгандан буён, мана, салкам 12 йил ўтаяпти. У шу кунга қадар Кўкалдошнинг шимолидаги Жомий мадрасасини таъмирлаш, реконструкция қилиш билан шуғулланмоқда. Буни қарангки, меъморчилик устахонасининг қарийб 10 йил мобайнида қилган ишини икки йил ичида бажариш мумкин экан. Тўғри, ҳозир иш бирмунча жонланиб қолган. У ҳам бўлса, устахонанинг янги директори Назрулла Муродовнинг хизматлари натижасидир.

Н. Муродовнинг асли касби архитекторлик. Меъморчилик унга ота касб. Шу сабабдан у реконструкция ишларига, айниқса, обидаларни таъмирлашга панжа ортидан қарай олмайди. «Юзаки ишлагандан кўра, ишни бутунлай йиғиштириб қўйган маъқул», — дейди у.

Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади», деган нақл бор. Устахона директорининг елибюгуришлари, турли масалалар юзасидан министрликларга бетўхтов ёзаётган арзномалари ишга бир мунча жонланиш киритаётган бўлса-да, лекин бутунлай яхшиланиб кетгани йўқ. Ҳалигача устахонанинг дурадгорлик, кулолчилик цехлари мавжуд эмас. Қурилиш асбоб-ускуналарини сақлаш учун жой ажратилмаган. Директор битта «Беларусь» экскаватори берилишини сўраб ўтган йилдан буён идорама-идора югуради. Буларни-ку, қўя турайлик. Балки, бир-икки йил ичида бу етишмовчиликлар барҳам топар. Лекин кунлик ишнинг юриб туриши учун зарур бўлган материаллар — ғишт ва бетоннинг ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилмаётганини қандай тушуниш мумкин? Наҳотки, Тошкент шаҳрида сақланиб қолган бу йирик тарихий обидага нисбатан эътибор шу бўлса! Устахона 1988 йилги таъмирлаш ишлари учун 625 минг ғишт сўраган, яъни шунча ғиштга буюртма берган. Аммо устахонани ғишт билан таъминловчи Тошкентдаги 3-чи ғишт заводига атиги 200 минг ғишт учун фонд ажратилган. Ғишт заводи эса ғиштнинг учдан бир қисмини ҳам тўлиқ етказиб бермаётир. Кунлик берилаётган ғишт 800-1000 тага тўғри келмоқда. Бунча миқдордаги ғиштни териш бир кишининг бир кунлик нормасига ҳам тўғри келмайди-ку. Бу хўжасизликнинг оқибатида уста ва меъморлар кооперативларга ўтиб кетмоқдалар. Тўғри-да, қўлида гулдек ҳунари билан кунини беҳудага ўтказиб юришсинми?

— Бу масалалар хусусида,— дейди Н. Муродов, — юқори ташкилотларга ҳар ойда бир марта арзнома ёзаман. Аммо аҳвол бирдек...

У ёзган шикоят хатлари нусхасини бизга кўрсатди.

— Бизга лойиҳа ҳужжатлари ҳам вақтида етказиб берилмайди, — куйиниб давом этди устахона директори. — Ваҳоланки, қоида бўйича ишга тушишдан 3—4 ой олдин лойиҳа ҳужжатларини олиб, танишиб чиқиш керак. Бу масала хусусида маданий ёдгорликларнинг илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда «Меъмор» бирлашмасига чопавериб тинкам қуриди. Улар ишни ҳозиргача пайсалга солиб келишмоқда.

Ўзбекистон ССР Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти правлениесининг пленумида республикамиздаги меъморчилик обидаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ишларини тубдан яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Аммо ўзгариш йўқ.

Мамлакатимизнинг Суздаль, Новгород, Таллин сингари шаҳарлари обидаларни таъмирлаш борасида ўрнак бўлишга арзийди. Демак, у ерларда маданий-тарихий ёдгорликларга, ота-боболар, авлодлар ёдига бўлган ҳурмат кучли экан. Бизда-чи ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, эътироф этишга мажбурмиз.

**Акбар СИРОЖИДДИНОВ**





Кўкалдош мадрасасининг бугунги кўриниши мана шу аҳволда.

С. МАҲКАМОВ фотоси

# ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

Алишер Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театри коллективи Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асарини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Асарни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев саҳналаштирди. Саҳна безакларини ёш рассом Р. Байшев ишлаган. Асосий ролларни театрнинг актёрлари, область Ленин комсомоли мукофоти лауреати М. Қорабоева ва артист В. Сайдалиев ижро этишмоқда. Бошқа ролларда Э. Соқиматов, Б. Ёқубов, Х. Ҳурбоева, А. Тожибоев, М. Фахриддинова, Х. Мадраҳимова, С. Саримсоқов каби актёрлар чиқишмоқда.

**Н. ЗОКИРОВ**

Алишер Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театрининг санъаткорлари ўқувчиларнинг қишки таътили кунларида уларга янги спектакль туҳфа этдилар. Румин драматурги Валерий Шулжик қаламига мансуб бу музикали драма «Тегирмон тепасидаги қуёш» деб аталади. Уни шоир Тўра Мирзо таржима қилган ва қўшиқлар текстини ёзган. Композитор Анвар Эргашев музика басталаган. Асарни театр режиссёри Маматхон Асқаров саҳнага қўйди.

Асосий ролларни республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Сайдуллаев, М. Исомиддинов, артистлар А. Каримова, У. Мирзаев, М. Нуриддинов, М. Ниёзов, С. Саримсоқов, Э. Соқиматов, М. Фахриддинова, Ҳ. Саидбоева, Ҳ. Мадраҳимова ва бошқалар ижро этмоқдалар.



Куй сеҳри.

Н. ШАРИПОВ фотоси

